

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил август ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман суди, ўз идора биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг раиси Ш.Мирзакаримов, Д.Холдаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пахтаобод туман прокурори катта ёрдамчиси А.Эсонов, жабрланувчи Б.Режапов, А.Қуронбоев, Ш.Қуронбоев, Ж.Алихонов, А.Хамрақулов, жабрланувчининг вакили Ш.Абдуразаков, Ж.Ахмедов, судланувчи А.Қосимов ва унинг ҳимоячиси Андижон вилояти “ADOLAT ASOSIDA” адвокатлик бюроси адвокати О.Абдуллаевларнинг иштирокида, Қосимов Абдурасул Рахимжон ўғлига нисбатан 1-1712-2401/96-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Қосимов Абдурасул Рахимжон ўғли (Qosimov Abdurasul Raximjon o'g'li), 1994 йил 29 майда Пахтаобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2024 йил 30 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазони ўтаётган, вақтинча ишсиз, Пахтаобод тумани, “Учқўрғон” МФЙ, “Айлана” кўчасида яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2023 йил 16 ноябрдан буён қамоқда сақланаётган, айблов ҳулосаси нухасини 2024 йил 25 июнь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Қосимов алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани кўлга киритиш мақсадида, 2023 йилнинг январь ойида фуқаро Б.Режаповга 2023 йилнинг март ойида автосалондан “Дамас” русумли автомашина олиб чиқиб беришини айтиб, уни ишончига кириб алдаб, 101.800.000 сўм пулини фирибгарлик йўли билан кўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.



Бундан ташқари, судланувчи А.Қосимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2022 йилнинг декабрь ойида фуқаро А.Қуронбоевга 2023 йилнинг февраль ойида автосалондан “Кобольт” русумли автомашина олиб чиқиб беришини айтиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб кўп миқдорни ташкил қилган 128.000.000 сўм пулини, сўнг 2023 йилнинг июль ойида автомашина учун қўшимча тўлов қилинишини айтиб 11.582.000 сўмга тенг бўлган 1.000 АҚШ долларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Шунингдек, судланувчи А.Қосимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2022 йилнинг декабрь ойида Ш.Қурбонбоевга 2023 йилнинг февраль ойида автосалондан “Дамас” русумли автомашина олиб чиқиб беришини айтиб ишончига кириб, уни алдаб 86.000.000 сўм ва 9.844.700 сўмга тенг бўлган 850 АҚШ долларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи А.Қосимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2022 йилнинг октябрь ойида фуқаро Ш.Камолиддиновга 2022 йилнинг декабрь ойида автосалондан 3-босқич “JENTRA” русумли автомашина олиб чиқиб беришини айтиб ишончига кириб, уни алдаб кўп миқдорни ташкил қилган 155.512.000 сўмга тенг бўлган 14.000 АҚШ долларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Шунингдек, судланувчи А.Қосимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йилнинг январь ойида фуқаро Я.Абдуразиқовга 2023 йилнинг март ойида автосалондан “Дамас” русумли автомашина олиб чиқиб беришини айтиб ишончига кириб, уни алдаб 86.000.000 сўм, июль ойида 9.265.600 сўмга тенг бўлган 800 АҚШ долларини ва октябрь ойида 6.500.000 сўм пулларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи А.Қосимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йилнинг январь ойида фуқаро Ж.Алихоновга 2023 йилнинг март ойида автосалондан “Дамас” русумли автомашина олиб чиқиб беришини айтиб, уни алдаб 78.578.220 сўмга тенг бўлган 7.000 АҚШ долларини, июль ойида 9.265.600 сўмга тенг бўлган 800 АҚШ доллари ва октябрь ойида 6.500.000 сўм



пулларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Шунингдек, судланувчи А.Қосимов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, фуқаро А.Хамракуловга 2022 йил 15 март куни “Jentra” русумли автомашина олиб чиқиб беришини айтиб ишончига кириб, уни алдаб кўп миқдорни ташкил қилган 154.462.000 сўмга тенг бўлган 14.000 АҚШ долларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборган.

Судланувчи А.Қосимов суд мажлисида, айбига тўла иқрор ва пушаймон бўлиб, у 2023 йилнинг сентябрь ойига қадарли Пахтаобод тумани ХТБга қарашли 33-сонли мактабда ўқитувчилик қилгани, 2022 йилнинг апрель ойида автосалонда янги автомашина олиш учун навбатлар бўлмаганида, у автосалондан автомашина олиб чиқиб сотиш билан шуғуллангани ва маҳалладаги фуқароларга ҳам автомашина олиб берганида, маҳалладагилари ундан автомашина сотиб олгандан сўнг автомашина олиб чиқиши оғиздан-оғизга ўтиб, мижозлар кўпайиб кетганини, шундан сўнг унга фуқаролар ўзлари келишиб, автомашина олиб чиқиб бериши учун пул бериб кета бошлашгани, шу тариқа у “Учқўрғон” МФЙ, “Айлана” кўчасида яшовчи фуқаро Режапов Баходиржондан “Дамас” русумли автомашина учун 2023 йилнинг январь ойида 86.000.000 сўм, июль ойида 9.300.000 сўм, октябрь ойида 6.500.000 сўм, жами 101.800.000 сўм пул олгани ва автомашинани 2023 йилнинг март ойида чиқишини айтганини, бундан ташқари, у “Учқўрғон” МФЙ, “Айлана” кўчасида яшовчи фуқаро Қуронбоев Азамжондан “Кобольт” русумли автомашина учун 2022 йилнинг декабрь ойида 128.000.000 сўм, 2023 йилнинг июль ойида 1.000 АҚШ доллари олганида, автомашина 2023 йилнинг февраль ойида чиқиши керак бўлганини, бундан ташқари, у “Учқўрғон” МФЙ, “Айлана” кўчасида яшовчи фуқаро Қуронбоев Шухратжондан “Дамас” русумли автомашина учун 2022 йилнинг декабрь ойида 86.000.000 сўм, 2023 йилнинг июль ойида 850 АҚШ доллари олганида, автомашина 2023 йилнинг февраль ойида чиқиши керак бўлганини, бундан ташқари у “Тўққизбоғ” МФЙ, “Ғаллакор” кўчасида яшовчи фуқаро Камолиддинов Шаробиддиндан “Жентра” русумли автомашина учун 2022 йилнинг октябрь ойида 14.000 АҚШ долларига тенг бўлган 158.000.000 сўм олганида, автомашина 2022 йилнинг декабрь ойида чиқиши керак бўлганини, бундан ташқари, у “Тўққизбоғ” МФЙ, “Мураббий” кўчасида яшовчи фуқаро Абдуразиков Яхёбекдан “Дамас” русумли автомашина учун 2023 йилнинг январь ойида 86.000.000 сўм, июль ойида 800 АҚШ доллари, октябрь ойида 6.500.000 сўм, жами 101.800.000 сўм олганини, автомашина 2023 йилнинг март ойида чиқиши керак бўлганини, бундан ташқари у “Тўққизбоғ” МФЙ, “Қуйи тўққиз боғ” кўчасида яшовчи фуқаро Алихонов Жамшидбекдан “Дамас” русумли автомашина учун 2023 йилнинг январь ойида 86.000.000 сўм



олгани, ҳеч қандай АҚШ доллари олмаганини, июль ойида 800 АҚШ доллари, октябрь ойида 6.500.000 сўм, жами 101.800.000 сўм олганида, автомашина 2023 йилнинг март ойида чиқишини айтганини, бундан ташқари у “Тўққизбоғ” МФЙ, “Чўнтак” кўчасида яшовчи фуқаро Хамракулов Абдусамаддан “Жентра” русумли автомашина учун 2022 йил 15 март куни 14.000 АҚШ доллари олганини, ҳақиқатдан ҳам фуқаролардан автомашиналар учун пул олган бўлсада, ўша вақтда автосалондан автомашина олиб чиқиш учун муаммо бўлиб қолгани, аммо пулни автосалонга топширганини, лекин квитанцияларни кимни номидан топширилгани бўйича ҳужжатлари йўқлиги сабабли, у тақдим қила олмаганини, ҳозирда жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни қоплашга шароити йўқлигини, уларга етказилган зарарни келгусида қоплашини, оилавий шароитини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Б.Режапов суд мажлисида, у Пахтаобод тумани, “Учқўрғон” МФЙ ўрамида яшовчи Қосимов Абдурасул салондан маҳалласидагиларига янги автомобиль олиб чиқиб бераётганини эшитиб, у “Дамас” русумли автомашина сотиб олмоқчи бўлиб А.Қосимов билан 2023 йилнинг январь ойида гаплашганида, у унга “ака 86.000.000 сўм миқдорда пул тўлайсиз, Сизга 2023 йилнинг март ойида автомашина олиб чиқиб бераман” деб айтганини, шунда у 86.000.000 сўм пулни яшаш ҳонадонидан нақд санаб А.Қосимовни қариндоши “Фозилжон”га берганини, келишилган муддат келганида у А.Қосимовни олдига бориб, март ойи ҳам якунига етиб бораётганини “автомашина нима бўлди” деб сўраганида, у май ойида олиб чиқиб беришини айтганида, у уни гапига ишониб юрганини, аммо май ойи келганида эса турли баҳоналар қилиб автомашинани олиб чиқиб бермаганини, шунда А.Қосимовни олдига бориб, унга “бўлди менга автомашина керак эмас, пулимни кайтариб бер” деганида, А.Қосимов яна унга турли баҳоналар қилиб, пулини кайтариб бермасдан, “ака тез орада автомашинани олиб чиқиб бераман” деб алдаганини, шундан сўнг 2023 йилнинг июль ойида А.Қосимов унга автомашинани олиб чиққани деб яна 800 АҚШ доллари сўраганида, у унга 9.300.000 сўм пул берганида, у ундан пулни олганидан сўнг автомашинани 2023 йилнинг сентябрь ойида чиқади деб айтганини, аммо шунда ҳам автомашина чиқмаганини, шундан сўнг 2023 йилнинг октябрь ойида А.Қосимов автомашина учун деб яна 6.500.000 сўм сўраганида, у унга 6.500.000 сўм пул берганини, аммо автомашинасини олиб чиқиб бермаганини, ҳозирда судланувчи А.Қосимовдан унга етказилган 101.800.000 сўм миқдоридagi моддий зарарни ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўриб беришни билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи А.Қуронбоев суд мажлисида, у Пахтаобод тумани, “Учқўрғон” МФЙ ўрамида яшовчи фуқаро А.Қосимовни маҳалладошларига салондан янги автомашина олиб чиқиб бераётганини эшитганини, бу вақтда у ҳам “Кобольт” русумли автомашина сотиб олмоқчи бўлиб юрганини, шундан сўнг 2022 йилнинг октябрь ойида А.Қосимов унга



қўнғироқ қилиб, “Ака пулингиз бўлса “Кобольт” автомашинаси бор, фақат пулини тўлиқ тўлашингиз керак” деб айтганида, ўшанда уни 128.000.000 сўм пули тўлиқ бўлмагани боис тўлай олмаганини, сўнгра 2022 йилнинг декабрь ойида А.Қосимов унга телефон қилиб “салонда “Кобольт” автомашинаси бор, пулингиз бўлса чиқариб бераман” деб айтганида, у 2022 йилнинг декабрь ойи охирида унга жами бўлиб 128.000.000 сўм нақд пул берганида, у унга автомашинани 2023 йил 20 февраль куни чиқишини айтганини, аммо февраль ойи якунига етса ҳам автомашина чиқмади, у унга ҳар-хил баҳоналар қилиб, “бироз сабр қилиб туринглар, май ойида автомашинангизни автосалондан олиб чиқиб бераман” деб ваъда берганини, аммо май ойида ҳам автомашинаси чиқмаганини, шундан сўнг 2023 йил 20 июль куни А.Қосимов унга “автомашина тайёр, фақат устига яна 1.000 АҚШ доллари бериши” кераклигини айтганида, у унга ишониб яна 1.000 АҚШ доллари берганини, аммо шунда ҳам у автомашинасини олиб чиқиб бермаганини, ҳозирда судланувчи А.Қосимовдан унга етказилган 1.000 АҚШ доллари ва 128.000.000 сўм миқдоридagi моддий зарарни ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўриб беришни билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ш.Қуронбоев суд мажлисида, у Пахтаобод тумани, “Учқўрғон” МФЙ ўрамида яшовчи фуқаро А.Қосимов маҳалласидагиларга салондан янги автомашина олиб чиқиб бераётганини эшитиб, у “Дамас” русумли автомашина сотиб олмоқчи бўлиб А.Қосимовни олдига бориб, автомашина сотиб олмоқчи экани, аммо пули камроқ эканини айтганида, А.Қосимов ундан “қанча пулингиз бор” деб сўраганида, у унга 50.000.000 сўм пули борлигини, қолган пулни ҳам деҳқончиликларини йиғиштириб беришини айтганини, сўнгра у А.Қосимовга 2022 йилнинг декабрь ойида 50.000.000 сўм пул берганини, қолган 36.000.000 сўм пулни эса 2023 йил 15 январь куни берганини, у унга жами 86.000.000 сўм пул берганини, шунда А.Қосимов пулни олганидан сўнг “автомашинани 2023 йил 15 февраль куни чиқариб бераман” деб айтганини, аммо февраль ойи келганда эса, у унга турли баҳоналар қилиб, унга “май ойига қадар ҳаммани автомашинасини бераман” деб айтганини, лекин автомашинаси чиқмаганини, шундан сўнг 2023 йилнинг июнь ойида А.Қосимов унга “ака Сиз 850 АҚШ доллари берсангиз, Сизни автомашинангизни биринчи бўлиб чиқариб бераман” деб айтганида, у яна уни гапига ишониб 850 АҚШ доллари берганини, аммо автомашинаси чиқмаганини, ҳозирда судланувчи А.Қосимовдан унга етказилган 850 АҚШ доллари ва 86.000.000 сўм миқдоридagi моддий зарарни ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўриб беришни билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ж.Алихонов суд мажлисида, уни отаси олиб берган “Спарк” русумли автомашинаси бор бўлганини, у автомашинадан шахсий ишларида фойдаланиб келганини, шунда дўсти Сойибжон уни олдига келиб “А.Қосимов кўпчиликка автомашина олиб чиқиб беряпти, сен ҳам “Спарк”ни сотиб, янги “Дамас” сотиб олмайсанми, “Дамас” автомашинаси



бор экан, қирқ кунда автомашинани салондан олиб чиқиб беради” деб айтганида, у Сойибжонга “А.Қосимов бизни алдай олмайдику, аммо у ҳам шаҳарлик болалар билан иш қилаётган бўлса, улар А.Қосимовни алдаб қўйса, пулимизга куйиб қоламизку” деб айтганида, Сойибжон унга “ўртада мен турибманку, алдамайди” деганини, шунда у “Спарк” автомашинасини 2023 йил 1 январь куни 8.300 АҚШ долларига сотиб, пулни олиши билан Сойибжон қўнғироқ қилиб қолганида, у унга автомашинани сотгани, 7.000 АҚШ доллари бергани, қолган 1.300 АҚШ долларини бир ойда беришини айтганида, Сойибжон унга “пулни олиб келавер, қолганини кейин бераверасан” деб айтганида, у 7.000 АҚШ долларини 03.01.2024 йил куни А.Қосимовга Сойибжонни гувоҳлигида берганини, аммо А.Қосимов унга автомашина олиб чиқиб бермаганини, уни қидириб, ҳар гал топганида эса “эртага бераман” деб уни алдаб юрганини, шундан сўнг 2023 йилнинг июль ойида А.Қосимов унга яна 800 АҚШ доллари берасиз, август ойида автомашина чиқади деганида, у унга ишониб яна 800 АҚШ доллари берганини, аммо шунда ҳам автомашинаси чиқмаганини, аммо шундан сўнг 2023 йилнинг октябрь ойида А.Қосимов унга 6.500.000 сўм пул беришини, автомашинаси келганини, шу кунларда олиб чиқиб беришини айтганида, унга яна 6.500.00 сўм берганини, аммо автомашинаси чиқмаганини, А.Қосимов уни алдаб юрганини, ҳозирда судланувчи А.Қосимовдан унга етказилган 7.800 АҚШ доллари ва 6.500.000 сўм миқдоридagi моддий зарарни ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўриб беришни билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи А.Хамракулов суд мажлисида, у нафақага чиққанидан сўнг қўй, мол боқиб пул тўплаб юрганини, 2022 йилнинг март ойида А.Қосимов уни ёнига келиб “тоға пул керак бўлиб қолди, бериб турунг, бир haftaда қайтариб бераман, агар пулингизни бера олмасам, автосалондан автомашина олиб чиқиб бераман” деб айтганида, ёши катта бўлгани учун уни алдайди деб ўйламасдан, 14.000 АҚШ доллари берганида, А.Қосимов пули эвазига автомашина олиб чиқиб беришини айтганида, у унинг гапига ишониб юраверганини, шундан сўнг у унга ўн кун ичида автомашина олиб чиқишини айтганини, аммо айтилган кун келганида у уни ёнига борганида, автомашина чиқмаганини айтиб, ҳар-хил баҳоналар қилиб “икки haftaда чиқади, ўзингиз паспортингизни олиб бориб автосалондан автомашина миниб келасиз” деб алдаб юрганини, орадан икки йил ўтса ҳам пулини бермай, алдаб келганини, ҳозирда судланувчи А.Қосимовдан унга етказилган 14.000 АҚШ доллари миқдоридagi моддий зарарни ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўриб беришни билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчининг вакили Ш.Абдуразиков суд мажлисида, Абдуразиков Яхёбек уни ўғли бўлишини, ўғли 2023 йил 3 январь куни Хўжаобод туман автомашина бозорига бориб, “Кобольт” русумли автомашина сотиб олмоқчи бўлиб, автомашиналарни баҳолашиб юрганида, ўртоғи С.Темиров унга телефон қилиб, у турган жойга келиб, уни А.Қосимовга йўлиқтирган эканида, ўғли Я.Абдуразиков А.Қосимов билан



гаплашиб, ундан “Дамас” русумли автомашина олиб чиқиб беришини сўраган экани ва унга “Дамас” автомашинаси учун 2023 йил 7 январь куни 86.000.000 сўмга тенг 7.600 АҚШ долларини А.Қосимовга санаб берганида, А.Қосимов ўғлига автомашина 2023 йилнинг март ойида чиқишини айтган эканида, Темиров Сойибжон гувоҳ бўлган экани, лекин орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан А.Қосимов автомашина олиб чиқиб бермай, уларни алдаб келганини, шундан сўнг 2023 йилнинг июль ойида А.Қосимов яна 800 АҚШ доллари берса, август ойида автомашина чиқишини айтган эканини, шунда унга яна 800 АҚШ доллари берганини, аммо шунда ҳам автомашина чиқмаганини, шундан сўнг ҳам 2023 йилнинг сентябрь ойида яна 6.500.000 сўм пул беришларини, автомашина келгани, шу кунларда олиб чиқиб беришини айтиб алдаб юрганини, ҳозирда судланувчи А.Қосимовдан унга етказилган 800 АҚШ доллари ва 92.500.000 сўм миқдоридagi моддий зарарни ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўриб беришни билдириб, кўрсатув берди.

Жабрланувчининг вакили Ж.Ахмедов суд мажлисида, ишдаги жабрланувчи Ш.Камолиддинов ўғли бўлишини, ўғли А.Қосимовни маҳалласидагиларга салондан янги автомашина олиб чиқиб бераётганини эшитиб, ўғли “Жентра” русумли автомашина сотиб олмоқчи бўлиб А.Қосимов билан 2022 йилнинг октябрь ойида гаплашгани, А.Қосимов уни ўғлига 13.990 АҚШ долларига тенг бўлган 158.000.000 сўм миқдорида пул тўласа, 2022 йилнинг декабрь ойида автомашинани олиб чиқиб беришини айтганини, шунда ўғли уни гапига ишониб 158.000.000 сўмга тенг бўлган 14.000 АҚШ долларини санаб берган эканини, аммо А.Қосимов ўғлидан пулни олгач, автомашина 40 кун ичида чиқади деб, 2022 йилнинг декабрь ойида автомашинани ўғлини номига расмийлаштиришганини айтган эканини, аммо айтилган муддат келганида автомашинани олиб чиқиб бермаганини, шундан сўнг ҳам А.Қосимов ўғлидан автомашина учун кўшимча 6.500.000 сўм пул сўраганида, улар унга айтган пулни беришмаганини, ҳозирда А.Қосимов уни ўғли Ш.Камолиддиновдан 14.000 АҚШ доллари қарзи борлигини, ҳозирда судланувчи А.Қосимовдан уларга етказилган 14.000 АҚШ долларини ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўриб беришни билдириб, кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчи Б.Режапов, А.Қуронбоев, Ш.Қуронбоев, Ж.Алихонов, А.Хамрақулов, жабрланувчининг вакиллари Ш.Абдуразаков, Ж.Ахмедов, судланувчи А.Қосимовнинг кўрсатувларини ҳамда ҳимоячи О.Абдуллаевнинг фикрини тинглаб, судланувчи А.Қосимовнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, унинг судда айбига тўла иқрор ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб берган кўрсатуви, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, аризалар, тушунтириш хатлари, билдирги, тилхатлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, юқорида қайд этилган далилларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва



ишончилиги нуқтаи-назаридан баҳо бериб, улар ЖПКнинг 11-моддасида мустақамланган қонунийлик принципига мувофиқ, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда олинган бўлиб, уларни ишончга сазовор объектив далиллар деб топиб, судланувчи А.Қосимовнинг айбини исботловчи мақбул далиллар деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарори 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи-назаридан баҳоланиши лозимлиги, ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини ёритиши ва тегишли баҳо бериши лозимлиги, агар иш бўйича жиноят содир қилганликда бир нечта судланувчилар айбланаётган ёки судланувчи бир нечта жиноятларни содир қилганликда айбланаётган бўлса, суд ҳукмда ҳар бир судланувчига нисбатан ҳамда ҳар бир айблов бўйича далиллар келтириши ва таҳлил қилиб чиқиши ҳамда хулоса қилиши зарурлиги, 5-бандида, ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги, 16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўлиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи А.Қосимовнинг жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 17-сонли “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 18-бандида, айбдорнинг ҳаракатларида кўп ёки жуда кўп миқдорда фирибгарлик содир этилиши каби квалификацияловчи белги мавжудлиги тўғрисидаги масала ЖК саккизинчи бўлимида баён этилган тушунтиришларга мувофиқ ҳал этилиши лозимлиги, бир неча



эпизоддан иборат умумий қасд ва ягона мақсадга йўналтирилган давомли фирибгарлик содир этган шахснинг ҳаракатларини квалификация қилишда судлар талон-торож миқдорини жами талон-торож қилинган мулк қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқлашлари кераклигини, агар айбдор томонидан бир эмас, балки бир неча фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиб, уларнинг ҳар бирида ўзганинг мулкани олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган бўлса, талон-торож қилинган мулк қийматини қўшиб ҳисоблашга йўл қўйилмайди деб тушунтириш берилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи А.Қосимов алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, жабрланувчи Б.Режаповни 101.800.000 сўм пулини, жабрланувчи А.Қуронбоевни 128.000.000 сўм пулини ва 11.582.000 сўмга тенг бўлган 1.000 АҚШ долларини, жабрланувчи Ш.Қурбонбоевни 86.000.000 сўмни ва 9.844.700 сўмга тенг бўлган 850 АҚШ долларини, жабрланувчи Ш.Камолиддиновни 155.512.000 сўмга тенг бўлган 14.000 АҚШ долларини, жабрланувчи Я.Абдуразиқовни 86.000.000 сўмни, 9.265.600 сўмга тенг бўлган 800 АҚШ долларини ва 6.500.000 сўм пулларини, жабрланувчи Ж.Алихоновни 78.578.220 сўмга тенг бўлган 7.000 АҚШ долларини, 9.265.600 сўмга тенг бўлган 800 АҚШ долларини ва 6.500.000 сўм пулларини ва жабрланувчи А.Хамракуловни 154.462.000 сўмга тенг бўлган 14.000 АҚШ долларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритган бўлиб, ушбу 155.512.000 сўм пуллар жиноят иши бўйича энг кўп зарар миқдорини ташкил қилишини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-бўлимидаги ҳуқуқий атамаларда жуда кўп миқдор 500 баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор деб белгилаб қўйилгани, шу сабабли 155.512.000 сўм жуда кўп миқдорни ташкил этмаслиги аниқланди.

Балки, судланувчи А.Қосимов алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, жабрланувчи Б.Режаповни 101.800.000 сўм пулини, жабрланувчи А.Қуронбоевни кўп миқдорни ташкил қилган 128.000.000 сўм пулини, 11.582.000 сўмга тенг бўлган 1.000 АҚШ долларини, жабрланувчи Ш.Қурбонбоевни 86.000.000 сўм пулини ва 9.844.700 сўмга тенг бўлган 850 АҚШ долларини, жабрланувчи Ш.Камолиддиновни кўп миқдорни ташкил қилган 155.512.000 сўмга тенг бўлган 14.000 АҚШ долларини, жабрланувчи Я.Абдуразиқовни 86.000.000 сўм пулини, 9.265.600 сўмга тенг бўлган 800 АҚШ долларини ва 6.500.000 сўм пулларини, жабрланувчи Ж.Алихоновни 78.578.220 сўмга тенг бўлган 7.000 АҚШ долларини, 9.265.600 сўмга тенг бўлган 800 АҚШ долларини ва 6.500.000 сўм пулларини, жабрланувчи А.Хамракуловни кўп миқдорни ташкил қилган 154.462.000 сўмга тенг бўлган 14.000 АҚШ долларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ушбу бир неча фирибгарлик ҳаракатларида содир этилиб, уларнинг ҳар бирида ўзганинг мулкани олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган деб ҳисоблайди.



Бундай ҳолатда суд, судланувчи А.Қосимовни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган деб айблаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

ЖПКнинг 23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Бундай ҳолатда суд, судланувчи А.Қосимовнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандидан шу модданинг 3-қисмининг “а,б” бандларига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд, судланувчига жазо тури ва меъёрини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги № 1-сонли Қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида кўрсатиб ўтилганлигини, ЖКнинг 55,56-моддаларида кўрсатилган ишдаги жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва оқибатларини инobatга олиш тўғрисида, 42-бандида агар жиноий қилмиш квалификация қилинаётган қонунда қўшимча жазо мажбурий тарзда тайинланиши белгиланган бўлса, уни фақат ЖК 57-моддасида назарда тутилган ҳоллар мавжуд бўлганда қўлламаслик мумкин бўлиб, бундай қарор ушбу моддага ҳавола қилинган ҳолда ҳукмда асослантирилиши лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.



Суд, судланувчи А.Қосимовга жазо тайинлашда, унинг айбига тўла иқрор ва пушаймонлигини, оилали бўлиб, қарамоғида 3 нафар фарзанди борлигини, оиласини ягона боқувчисилигини, оилавий моддий шароитини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганини ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи А.Қосимовга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли ҳамда 23.05.2014 йилдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли Қарорларини раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, унинг айбига тўла иқрор ва пушаймонлигини, оилали бўлиб, қарамоғида 3 нафар фарзанди борлигини, оиласини ягона боқувчисилигини, оилавий моддий шароитини, унинг жиноят содир қилгунга қадар хулқ-атворини, айб шаклини, содир қилинган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини, содир қилиш шароити ва сабабларини, жиноят оқибатида етказилган зарарларни қоплаш чораларини кўрмаганини, жабрланувчиларни даъвоси борлигини, ишдаги бошқа жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандларида назарда тутилган жазонинг муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қисмига нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, шу жазони қўлламасдан туриб, мазкур модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, унга жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2024 йил 30 апрель кунги ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган озодликдан маҳрум қилиш жазосини, мазкур ҳукм чиқарилгунга қадар юқорида кўрсатиб ўтилган жиноятларни содир этганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшишни,

ЖКнинг 50-моддаси тартибида жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни,

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси 7-бандида, ҳуқуқбузарликдан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши, давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлашини, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 245-моддасида, пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (эю, “махсус қарз олиш ҳуқуқлари” ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкинлиги, бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кундаги расмий курси бўйича белгиланади, башарти уни белгилашнинг



бошқача курси ёки бошқа санаси қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида белгилаб қўйилган бўлмаса деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорининг 10-бандида, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозимлиги, бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади деб кўрсатилган.

Шунга кўра суд, жабрланувчи Б.Режапов, А.Қуронбоев, Ш.Қуронбоев, Ш.Камолиддинов, Я.Абдуразаков, Ж.Алихонов ва А.Хамракуловларга етказилган моддий зарарларни суднинг ҳукми билан ундирилаётгани сабабли тўлов куни деб ҳукм эълон қилинаётган кундаги 1 АҚШ долларини сўмга нисбатан қийматида белгилаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2024 йил 15 августдаги маълумотга асосан 1 АҚШ долларини ўзбек сўмига нисбатан қиймати 12.622,77 сўмга тенглигини эътиборга олишни,

шунга асосан, судланувчи А.Қосимовдан жабрланувчи Б.Режапов фойдасига 101.800.000 сўмни, жабрланувчи А.Қуронбоев фойдасига 1.000 АҚШ долларига тенг бўлган 12.622.770 сўмни ва 128.000.000 сўмни, жабрланувчи Ш.Қуронбоев фойдасига 850 АҚШ долларига тенг бўлган 10.729.354 сўмни ва 86.000.000 сўмни, жабрланувчининг вакили Ж.Ахмедов фойдасига 14.000 АҚШ долларига тенг бўлган 176.718.780 сўмни, жабрланувчининг вакили Ш.Абдуразаков фойдасига 800 АҚШ долларига тенг бўлган 10.098.216 сўмни ва 92.500.000 сўмни, жабрланувчи Ж.Алихонов фойдасига 800 АҚШ долларига тенг бўлган 10.098.216 сўмни ва 92.500.000 сўмни ҳамда жабрланувчи А.Хамракулов фойдасига 14.000 АҚШ долларига тенг бўлган 176.718.780 сўмни ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига асосан, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Қосимов Абдурасул Рахимжон ўғли (Qosimov Abdurasul Raximjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли деб топилсин.

А.Қосимовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмаган ҳолда 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

А.Қосимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан жиноят ишлари бўйича Избоскан туман судининг 2024 йил 30 апрелдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган озодликдан



маҳрум қилиш жазосини янги тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 16 ноябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Судланувчи А.Қосимовдан жабрланувчи Б.Режапов фойдасига 101.800.000 сўм, жабрланувчи А.Қуронбоев фойдасига 1.000 АҚШ долларига тенг бўлган 12.622.770 сўм ва 128.000.000 сўм, жабрланувчи Ш.Қуронбоев фойдасига 850 АҚШ долларига тенг бўлган 10.729.354 сўм ва 86.000.000 сўм, жабрланувчининг вакили Ж.Ахмедов фойдасига 14.000 АҚШ долларига тенг бўлган 176.718.780 сўм, жабрланувчининг вакили Ш.Абдуразаков фойдасига 800 АҚШ долларига тенг бўлган 10.098.216 сўм ва 92.500.000 сўм, жабрланувчи Ж.Алихонов фойдасига 800 АҚШ долларига тенг бўлган 10.098.216 сўм ва 92.500.000 сўм ҳамда жабрланувчи А.Хамракулов фойдасига 14.000 АҚШ долларига тенг бўлган 176.718.780 сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукмнинг нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи имзо
Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
туман судининг раиси

Ш.Мирзакаримов

